



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Рустамова Сурайё Шахобовна¹

¹ Ўзбек тили ва хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

ОИЛАДА АВЛОДЛАРНИНГ ЎЗARO ТАРБИЯВИЙ ТАЪСИР ШАКЛ,
МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада оилада авлодларнинг ўзаро тарбиявий таъсири технологияси, мазкур жараёни амалга ошириш босқичларини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, шунингдек, мазкур масалани муваффақиятли ҳал этиш эса ўз навбатида авлодларнинг ўзаро тарбиявий таъсири билан боғлиқ тарбия методлари ва воситаларини тизимлаштириш ҳақида фикрлар баён этилган.

Таянч тушунчалар: оила, тарбия, метод, ота-она, бола, тарбия, шахс, масъул, ишонтириш, насиҳат, дўқ-пўписа, бақирини, эркин фикрлаш, тарбиялаш, ташаббускорлик, табиий.

Оилада авлодларнинг ўзаро тарбиявий таъсири мазкур жараёни амалга ошириш босқичларини алоҳида-алоҳида лойиҳалашни талаб этади. Мазкур масалани муваффақиятли ҳал этиш эса ўз навбатида авлодларнинг ўзаро тарбиявий таъсири билан боғлиқ тарбия методлари ва воситаларини тизимлаштиришни талаб этади. Қуйида ана шундай метод ва воситаларни келтириб ўтамыз.

Оилада болаларни тарбиялаш методлари – бу улар ёрдамида ота-оналарнинг, бола тарбиясига масъул бошқа шахсларни болаларнинг онги ва хулқ-атворида мақсадга йўналтирилган таъсир этишини амалга ошириш йўллари (усуллари) йиғиндиси. Гарчи оилада болаларни тарбиялаш методлари тарбиянинг умумий методларидан фарқ қилмасда, бироқ улар бир қанча ўзига хосликларига эга:

- аниқ ҳатти-ҳаракатларга асосланган ҳолда, болага индивидуал таъсир этиш;
- ота-оналарнинг, бола тарбиясига масъул бошқа шахсларни педагогик маданияти билан боғлиқ ҳолда методларни танлаш: тарбия мақсадини тушуниш, ота-оналик,

масъуллик роли, кадриятлар ҳақидаги тасаввурлари, оиладаги муносабат услублари ва бошқалар.

Шунинг учун оилавий тарбия методлари ота-оналарнинг, бола тарбиясига масъул бошқа шахсларни шахси ва улардаги ўзига хосликларни ўзида ёрқин ифодалайди. Қанча ота-она, бола тарбиясига масъул шахс бўлса, тарбия методлари ҳам шунча хилма-хил. Масалан, баъзи ота-оналар учун ишонтириш – енгил насиҳат қилиш, бошқалари учун – дўк, пўписа, бақиритиш. Методлар ота-оналар, бола тарбиясига масъул шахсларнинг тарбияда нимани устун кўйишига ҳам жуда боғлиқ: баъзилари болани доимий қулоқ солишга ўргатиш бўлганлиги учун, улар танлаган методлар ҳам боланинг сўзсиз бажаришини талаб этади. Бошқалари эса болаларини эркин фикрлашга тарбиялаш, ташаббускорликни намоеън этишга ўргатиш учун табиийки, ана шу мақсад билан боғлиқ методларни танлайди.

Барча ота-оналар, бола тарбиясига масъул бошқа шахслар фойдаладиган *оилавий тарбиянинг умумий методларига* қуйидагиларни киритиш мумкин: *ишонтириш* (ҳикоя, суҳбат, изоҳлаш, насиҳат); *шахсий намуна*; *разбатлаш* (мукофотлаш, тақдирлаш); *жазолаш* (танбеҳ бериш, огоҳлантириш). Баъзи оилаларда педагогнинг маслаҳати билан тарбияловчи вазиятлар яратилади ва фойдаланилади.

Оилада болаларни тарбиялашда *ахлоқий мавзудаги суҳбат* кенг фойдаланилади. Ахлоқий мавзудаги суҳбат – бу ахлоқий мазмунга эга аниқ факт ва ҳодисаларни эмоционал баён этиш. Ҳис-туйғуга таъсир этиб, ҳикоя тарбияланувчиларга ахлоқий кадрият ва хулқ-атвор меъёрлари моҳиятини ўзлаштириш ва тушунишга ёрдам беради. Яхши ҳикоя нафақат ахлоқий тушунчаларнинг мазмунини очиб беради, балки болаларда ахлоқий меъёрларга алоқадор, хулқ-атворга таъсир этадиган ҳатти-ҳаракатларга ижобий муносабатни уйғотади. Ахлоқий мавзудаги ҳикоя бир қанча функцияларни бажаради: билимлар манбаига айланади, шахснинг ахлоқий тажрибасини бошқа одамларнинг тажрибаси билан бойитади. Ниҳоят, ҳикоянинг яна бир муҳим вазифаси – тарбияда ижобий намунадан фойдаланишга имкон беради.

Этик суҳбат – икки томонни ҳам – ота-она, бола тарбиясига масъул бошқа шахслар ва болаларни иштирокини талаб этувчи, билимларни тизимли ва кетма-кет муҳокама қилиш методи. Суҳбат ҳикоядан ота-она, бола тарбиясига масъул бошқа шахсларнинг боланинг фикрларини эшитиш ва ҳисобга олиш, уларга ўзининг муносабатини билдиришда тенгхуқуқлилиқ ва ҳамкорликка риоя қилиш тамойилларига асосланиши билан фарқланади. Этик суҳбат дейилишининг сабаби, энг аввало унинг предмети сифатида ахлоқий муаммоларни шакллантирилганлигидир. Этик суҳбатнинг мақсади – ахлоқий тушунчаларни чуқурлаштириш, билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш, ахлоқий қарашлар тизимини шакллантиришдан иборат.

Этик суҳбатнинг самарадорлиги қатор муҳим шартларга риоя қилишни талаб этади:

1. Суҳбатнинг қарашлар, ғоялар, фикрлар курашини талаб этувчи муаммоли тавсифга эга бўлиши жуда муҳим.
2. Суҳбат маъруза кўринишини олмаслиги керак, яъни ота-она гапиради, бола эшитади.
3. Суҳбат учун мавзу боланинг эмоционал тажрибасига яқин бўлиши керак.
4. Суҳбат вақтида барча нуқтаи назарларни аниқлаш ва таққослаш муҳим.

5. Ота-оналар суҳбатга раҳбарлик қилаётганда болаларнинг ўзлари мустақил хулосаларга келишларига ёрдам беришлари ҳар томонлама тўғри бўлади.

Изоҳлаш – ота-она, бола тарбиясига масъул бошқа шахсларнинг болаларга ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули. Изоҳлашнинг ҳикоя ва тушунтиришдан фаркланадиган муҳим белгиси алоҳида шахсга йўналтирилганлигидир. Ушбу методни қўллаш оиладаги болаларнинг умумий ёки оила аъзоларининг шахсий хусусиятларини билишга асосланади. Кичик ёшдаги болалар билан иш олиб боришда изоҳлашнинг оддий усул ва воситалари қўлланилади: «Шундай ҳаракат қилиш керак», «Ҳамма шундай қилади». Ўсмирлар билан ишлаганда маънавий-ахлоқий тушунчаларнинг ижтимоий аҳамияти ва маъносини изоҳлаш зарур. Изоҳлаш куйидаги ҳолатларни юзага келтириш учун қўлланилади:

- 1) янги маънавий-ахлоқий сифатлар ёки хулқ кўникмаларини таркиб топтириш ва мустаҳкамлаш;
- 2) болаларда муайян ҳодисага тўғри, онгли муносабатни ҳосил қилиш.

Оила тарбиясида изоҳлаш *ишонтириш*га таянади. Ишонтириш воситасида бола руҳиятига сезиларсиз ҳолда таъсир этилади. Одатда болалар ишонувчан бўлишади. Ота-она, бола тарбиясига масъул бошқа шахсларнинг ишонтиришдан болаларга маълум кўрсатмани қабул қилиши зарур бўлган вазиятларда фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга. Мазкур методдан бошқа методларнинг таъсирини кучайтириш учун ҳам фойдаланилади.

Оилавий тарбияда қўлланиладиган методлардан бири *ўғит ва насиҳат*дир. Ўғит ва насиҳат орқали болаларда кишилик бурчини англаш, ҳалол ва ростгўй бўлиш, она Ватанини ва меҳнатни севиш каби фазилатлар шакллантирилади. Ўғит ва насиҳат методидан фойдаланганда одатда, кўпроқ мақолларга мурожаат этилади. Чунки мақоллар панд-насиҳат тарзида тингловчига (II шахс) нисбатан маслаҳат, насиҳат, истак ва буйруқ шаклида ишлатилади.

Намуна – махсус сифатларни тарбиялаш методи. Намуна ғоявий-ахлоқий эътиқоднинг муҳим воситаси бўлиб, у аниқ хатти-ҳаракат билан у ёки бу кишининг онги ва ҳис-туйғусига таъсир кўрсатишдан иборатдир. Намуна биринчи сигнал даражасига таъсир этади, сўз эса иккинчи. Намуна тақлид қилиш учун аниқ намуна беради ва бундан ташқари ҳис-туйғу, онг, эътиқодни шакллантиради, фаолиятни фаоллаштиради. Намуна ҳақида гап кетганда, энг аввало, жонли аниқ кишилар – ота-оналар, тарбиячилар, дўстлар тушунилади.

Оилада болаларни тарбиялаш юзасидан қўлланиладиган намуна кўрсатиш методи жуда кўп шаклларда учрайди. Эртак ва дostonларда учрайдиган намуна кўрсатиш методининг характерли томони – унинг асосан икки йўналишда кўзга ташланишидир. Бир томондан ижобий феъл-атворга эга бўлган кишиларнинг хатти-ҳаракатларини кўрсатиш билан ундан нафратланишга, ярамас уринишлардан қочишга тарғиб қилинади.

Машқ методи муайян машқ ёрдамида болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама пухта ташкил қилиш, уларни ахлоқ меъёрлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантиришдир. Одатлар болалиқдан таркиб топади ва шахс ривожланишининг кейинги босқичларида мустаҳкамланиб боради.

Оилада ота-оналар болаларда ижобий одатларнинг тарбияланиб бораётганлигини кузатиб боришлари керак. Болалар одатларни ўз яқинларидан мерос қилиб олмайди, балки улар атрофдагилар билан фаол мулоқотга киришишлари туфайли тақлид қилиш, узлуксиз тарбияни йўлга қўйиш асосида таркиб топтиради. Натижада одат характерга айланади.

Машқ муайян хатти-ҳаракатларни кўп маротаба такрорлашни ўз ичига олади. Машқ ва одатлантириш бола учун онгли, ижобий жараёндир. Машқ натижасини кўникма, одат, янги билимлар ҳосил қилинади, ўқувчининг ақлий қобилияти ривожланади, маънавий-ахлоқий сифатлари бойийди, ҳаётий тажрибаси ортади.

Ўргатиш болаларда ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари, одатларини шакллантириш мақсадида режали ва изчил ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлардир.

Ўргатиш бир неча изчил ҳаракатлар йиғиндиси. Ўқитувчи бу ҳаракатларни кўрсатиб бериши, тушунтириши, кузатиши лозим.

Рағбатлантириш оилада болаларнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятига ижобий баҳо бериш асосида унга ишонч билдириш, кўнгилни кўтариш ва уни қўллаб-қувватлаш методидир. Оила тарбиясида рағбатлаш методи: 1) маъқуллаш ва мақташ; 2) алқаш; 3) муқофотлаш шаклларида учрайди.

Оилада болаларни тарбиялашда фойдаланиладиган жазолаш методи турли шаклларда – уялтириш, огоҳлантириш, койиш (танбех бериш), уришиш шаклларида қўлланилади.

Танбех бериш – энг муҳим жазо чораси. Ота-она боласига юзма-юз туриб танбех беради.

Огоҳлантириш – содир этилиши мумкин бўлган муайян хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Уялтириш – боланинг маълум хатти-ҳаракатларига оила аъзолари (ота-оналар, ака-укалар, қариндошлар, танишлар) олдида баҳо бериш. Одамнинг энг нозик сезгиларидан бири уят, ор-номус ва шарм-ҳаёндир. Одамда инсонда иззат-нафс, одамийлик қанча кучли бўлса, аввало, ўзини ҳурмат қилса, унда ор-номус, уят шунчалик кучли бўлади. Болаларни тарбиялашда шу ҳис-туйғуларни эҳтиёткорлик билан ўстириш лозим, лекин ҳадеб уялтиравериш ва қизиртиравериш ярамайди. Бундан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланиш керак, шундагина ижобий натижага умид қилиш мумкин.

Оилада болаларни тарбиялаш методлари хилма-хил бўлиб, улар оила тарбияси мақсади, вазифалари, мазмунидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади.

Оилада тарбиявий вазифаларни ҳал этишнинг воситалари хилма-хил бўлиб, улар орасида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: *сўз, халқ оғзаки ижоди, ота-она обрўси, меҳнат, табиат, миллий урф-одатлар, анъаналар, ижтимоий фикр, радио, газета ва журналлар, кун тартиби, адабиёт, музей ва кўрғазмалар, ўйинлар ва ўйинчоқлар, демонстрация, спорт, байрамлар, рамзлар* ва бошқалар.

Инсон ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқада бошқалар билан муомалада бўлади. Ана шу муомаланинг яхши ёки ёмонлиги унинг лутфида намоён бўлади. Лутф эса сўзлар жамланмасини ифода этади. Оила тарбиясида сўзнинг ўрни алоҳида. Бола ёшлигиданоқ, энг кўп сўз орқали тарбияланади. Оилада ширин сўзлик, мулойимлик

билан болаларга мурожаат қилиб борилса, келажакда болаларда ҳам худди шундай ижобий хислатлар намоён бўлади. Аксинча бўлса, кўполлик, дағаллик, кўрслик каби хислатлар бола шуурига сингиб кетади. Педагог олима С. Нишонваннинг фикрича, болаларни гўдаклигидан, тили энди чиқаётган вақтдан бошлаб муомала одобига ўргатиб борилса, улар катта бўлганларида ҳам беибо сўзларни ишлатмайди, инсонни таҳқирловчи хатти-ҳаракатлар қилмайди. Масалан, она саволлар беравериб, чарчатган боласига қараб, «ўчир», «йўқол» деб ўшқиради. Бола ҳам эртасига бошқаларга шундай муомала қилади. Ахир тилимизда «Ассалом», «Хайр, яхши қолинг», «Яхши ётиб туринг», «Раҳмат», «Саломат бўлинг», «Лаббай», «Сиз», «Кечирасиз», «Марҳамат» сўзлари ҳам бор-ку¹.

Халқ оғзаки ижоди қадим замонлардан бўён жаҳон халқларининг, шу жумладан ўзбек халқ педагогикасининг ҳам муҳим тарбия воситаси бўлиб келган. Халқ оғзаки ижодининг турли жанрлари оилада болаларни тарбиялашда воситаси сифатида ҳозиргача фойдаланиб келинмоқда. Оилада болаларни тарбиялашда мақоллар, афсона ва ривоятлар, эртақ ва дostonлар, масаллар катта аҳамиятга эга.

Урф-одат кўпчилик томонидан қабул қилинган бўлиб, у кишилар турмушига сингиб кетади, бу кўпроқ оилавий муносабатларда содир бўлади. Масалан, ўзбек халқига хос урф-одатларга саломлашиш қоидалари, қиз-келинларни эрталабки ҳовлиларни супуриб, сув сепиши, меҳмонларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш, байрам арафаларида бемор, ёлғиз кимсалардан хабар олиш, ҳашар кабилар киради.

Оила тарбиясининг яна бир муҳим воситаларидан бири *оилавий анъаналар*дир. Уларга “Бешик тўйи”, «Суннат тўйи», «Қизлар мажлиси», «Келин салом», «Таъзия маросими» кабиларни киритиш мумкин. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, уларни ўтказиш орқали аждодлар томонидан минг-минг йиллар давомида сақланиб келатган удумлар, маросимларга ўсиб келатган авлодларда ҳурмат ҳиссини таркиб топтиради. Шунингдек, оилада болаларда меҳр-оқибат, дўстлик, ҳамдардлик, ўзаро ишонч, тотувлик, тартиблилик каби фазилатлар шаклланади.

Хулоса қилиб айтганда, оилада авлодларнинг ўзаро тарбиявий таъсири маълум шакл, метод ва воситалар мажмуидан иборат бўлиб, мазкур ҳолат тарбиявий жараёнга технологик ёндашувни талаб этади. Оилада авлодларнинг ўзаро тарбиявий таъсири шакл, метод ва воситаларининг лойиҳаланиши тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмедова, М. Т., & Нарметова, Ю. К. (2022). “МУОШАРАТ ОДОБИ” ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРДА УСТОЗ-ШОГИРД МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2(5), 336-340.
2. Akhmedova, M., Narmetova, Y., & Alisherov, B. (2021). Categories of person in conflict and methods of conflict resolution in the occurrence of conflicts between medical personnel.
3. Ахмедова, М. Т. (2022). Ёшларда илмий дунёқарашни шакллантириш ва уларни ақлий тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари. *Integration of science, education and practice. Scientific-methodical journal*, 3(2), 29-41.

4. Ахмедова, М. Т., & Дехқонова, М. Ў. (2022). ШАХСНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(6), 346-350.
5. Иномова М.О. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 1999.
6. Нарметова, Ю. (2020). Оила хотиржамлиги-болалардаги психосоматиканинг олдини олиш омили сифатида. *Бола ва замон*.
7. Юлдашевна, Х., & Нарметова, Ю. К. (2022). РОЛЬ РЕЛИГИОЗНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ВОСПИТАНИИ ДУХОВНО РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ СРЕДИ ДЕТЕЙ ИНВАЛИДОВ. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(4), 114-117.
8. Tursunaliyevna, A. M., & Karimovna, N. Y. (2022). Maktabgacha tarbiya muassasalarida madaniy-gigiyenik malakalarni tarbiyalash–bolalar organizmining jismoniy rivojlanishida muhim vosita. *Integration of science, education and practice. Scientific-methodical journal*, 3(1), 98-103.
9. Akhmedova, M. T., Narmetova, Y. K., Nurmatova, I. T., & Malikova, D. U. K. (2022). Communicative Competence Formation in Future Teachers Based on an Integrated Approach. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 9(4), 54-60.
10. Мелибаева, Р., & Ахмедова, М. (2021). Бола нутқини чиройли ривожлантириш-ноадабий сўзлар таназзулидир.
11. Umarova, S. (2021). Yoshlarda hadislar yordamida sabr toqatlilik hususiyatini shakillantirish.
12. Melibaeva, R. (2020). Developing student divergent thinking.
13. Мелибаева, Р. (2020). О диалектическом характере процесса становления личности студента.
14. Baxtiyarovna, S. D. (2022). KASALLIKKA MUNOSABATNI SHAKLLANISHIGA TA’SIR ETUVCHI PSIXOLOGIK OMILLAR. *FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES*, 1(11), 70-77.
15. Boysoatovna, R. R. (2022). KASB TANLASH MOTIVATSIYASI NAMOYON BO’LISHIDA PSIXOLOGIK OMILLAR. *FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES*, 1(11), 65-69.